



Alisher Ernapasovich Jumagulov,
Teacher of Tashkent State University of Law

ANALYSIS OF NORMATIVE LEGAL ACTS DETERMINING THE LEGAL STATUS OF INVESTMENT FUNDS

Annotation: This article analyzes the stages of development of legislation defining the legal status and activity of investment funds in Uzbekistan, their classification, formation and development of legal definitions given to investment funds. Also in the article, before the adoption of a special law on investment funds, legal definitions given to investment funds in the securities market laws, as well as changes in them, were studied. The achievements and shortcomings of the current law were analyzed and compared with the laws of Kazakhstan and the Russian Federation in this regard.

Keywords: investment funds, investment assets, investment companies, securities market, cash, dividend, unit funds.

Алишер Эрнапасович Жумагулов,
Преподаватель Ташкентского государственного юридического университета

АНАЛИЗ НОРМАТИВНЫХ ПРАВОВЫХ АКТОВ, ОПРЕДЕЛЯЮЩИХ ПРАВОВОЙ СТАТУС ИНВЕСТИЦИОННЫХ ФОНДОВ

Аннотация: в данной статье анализируются этапы развития законодательства, определяющего правовой статус и деятельность инвестиционных фондов в Узбекистане, их классификация, формирование и развитие правовых определений, данных инвестиционным фондам. Также в статье до принятия специального закона об инвестиционных фондах изучались правовые определения, данные инвестиционным фондам в законах о рынке ценных бумаг, а также изменения в них. Проанализированы достижения и недостатки действующего закона и проведено сравнение с законами Казахстана и Российской Федерации в этом отношении.

Ключевые слова: инвестиционные фонды, инвестиционные активы, инвестиционные компании, рынок ценных бумаг, денежные средства, дивиденды, платежные фонды.

Алишер Эрнапасович Жумагулов,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ БЕЛГИЛОВЧИ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистонда инвестиция фондларининг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини белгиловчи қонун ҳужжатларини ривожлантириш босқичлари, уларни таснифлаш масалалари, инвестиция фондларига берилган ҳуқуқий таърифларнинг шаклланиши ва ривожланишига оид масалалар таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада инвестиция фондларига оид махсус қонуннинг қабул қилинунига қадар, қимматли қоғозлар бозорига оид қонунларда инвестиция фондларига берилган ҳуқуқий таърифлар ҳамда улардаги ўзгаришлар ўрганилди. Амалдаги қонуннинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинди ҳамда Қозғистон ва Россия Федерациясининг бу борадаги қонунлари билан таққосланди.

Калит сўзлар: инвестиция фондлари, инвестиция активлари, инвестиция компаниялари, қимматли қоғозлар бозори, пул маблағлари, дивиденд, пай фондлари.

Инвестиция фондлари кўплаб мамлакатларда жадал ривожланмоқда. 2018 йил бошига келиб, дунё бўйича инвестиция фондларининг соф активлари қиймати деярли 49,3 трлн. долларга етди [1]. Мамлакатимизда эса инвестиция фондлари хануз иқтисодий ривожланишга ўз хиссасини қўша олмаяпти. Аммо капитал бозорини ривожлантиришга қаратилган охириги ислохотлар инвестиция фондларининг жонланишига умид бермоқда. Хусусан, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” деган ҳаётчан ғояси инвестиция фондларининг тараққиётига кенг йўл очади [2]. Барча фуқаролар акциядор бўлса, демакки халқ бой бўлади. Инвестиция фондлари молиявий воситачи сифатида халқнинг акциядор бўлишига қўмаклашади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 7 та инвестиция фонди мавжуд бўлсада, уларнинг деярли барчаси ўз фаолиятини тугатиш арафасида. Иқтисодчи олим М.Султоновнинг маълумотига кўра Ўзбекистонда илк инвестиция фонди 1994 йил 1 июнда ташкил этилган. Унинг таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ва Ўзмолияинвест ОАЖлар бўлган [3]. Аммо ўша пайтда инвестиция фондининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи, унинг фаолиятини тартибга солувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлмаган.

Инвестиция фондлари фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун эса 2015 йилда қабул қилинди [4]. Махсус қонун ҳам инвестиция фондларининг фаолиятини бевосита тартибга сола олмайди, шу пайтгача қабул қилинган кўплаб қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таянади. 2015 йилгача инвестиция фондларининг ҳуқуқий мақоми қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи қонунларда белгиланган. Қарийб 25 йил ичида инвестиция фондларининг фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ жуда кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу боис ушбу қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, уларни таққослаш ва таснифлаш инвестиция фондларининг ҳуқуқий мақомини осонроқ тушунишга ёрдам беради.

Инвестиция фондлари фаолияти ягона бир норматив ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинмайди. Унинг фаолиятини бевосита ва билвосита тартибга солувчи жуда кўплаб қонун ва қонун ости ҳужжатлар мавжуд. Инвестиция фондлари фаолиятини бевосита тартибга солувчи қонун ҳужжатларини уч асосий гуруҳга таснифлаш мумкин:

– биринчи гуруҳга инвестиция фондлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб, улар жумласига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 июндаги 220-сон “Инвестиция фондлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий

секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–3202-сон Фармони кириштириш мумкин;

– иккинчи гуруҳга инвестиция фондларини ташкил этиш, уни бошқариш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатларни қамраб олувчи норматив ҳужжатлар киради. Бу ҳужжатлар ичида энг муҳимлари махсус қонун қабул қилингунга қадар Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган 3 та низом [5] ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ҳисобланади [6];

– учинчи гуруҳга инвестиция фондининг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси сифатидаги ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни келтириш мумкин. Демак, булар қимматли қоғозларни бозорини тартибга солувчи, қимматли қоғозларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда улар билан боғлиқ операцияларни амалга оширишни тартибга соладиган барча қонун ва қонун ости ҳужжатларини келтириш мумкин. Қимматли қоғозлар бозорини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунлар 3 марта 1996 йил, 2008 йил ва 2015 йилда қабул қилинган. Амалдаги қонун ҳам Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан таклиф этилган концепцияга биноан янги таҳрирда ва бутунлай янги мазмунда қабул қилиниши мўлжалланмоқда.

Инвестиция фондларига илк ҳуқуқий таъриф 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида”ги қонунда берилди. Мазкур қонун 31 моддадан иборат бўлиб, 2008 йилгача амал қилган [7]. 2008 йил 22 июлдаги “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуннинг [8] қабул қилиниши билан мазкур норматив ҳужжат ўз кучини йўқотган. 1996 йилги қонуннинг 3-моддасида бошқа инвестиция институтларидан фарқли равишда фақатгина инвестиция фондлари очик акциядорлик жамиятлари кўринишида ташкил этилиши белгиланган.

Қонуннинг 22-моддасига кўра инвестиция фонди фаолияти лицензияланиши лозимлиги белгиланган. Аммо 2003 йилга келиб, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари фаолиятини лицензиялашнинг аниқ механизмлари белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдги 308-сонли қарори билан “Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисида”ги низом тасдиқланган.

1996 йилги қонуннинг 11-моддасида инвестиция фондининг фаолиятига ҳуқуқий таъриф берилган. Унга кўра инвесторларнинг пул маблағларини ишга солиш мақсадида акциялар сотиб оладиган ва чиқарадиган ҳамда маблағларни фонд номидан қимматли қоғозларга, банклардаги ҳисобварақларга ва омонатларга кўядиган юридик шахс инвестиция фондидир.

Инвестиция фондларининг маблағларни бундай қўйиш билан боғлиқ таваккалчилиги, бу маблағларнинг бозордаги қадри ўзгаришидан келадиган даромад ва кўриладиган зарар тўла-тўқис ушбу фонд эгалари (акциядорлари) ҳисобига ўтказилади ва улар томонидан фонд акцияларининг жорий нархлари ўзгариши ҳисобига реализация қилинади.

Қонуннинг ушбу нормалари тушунарсиз ва ғализ эди. Аммо англаш мумкинки, инвестиция фондлари инвесторлар, яъни жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини жалб қилади, жалб қилинган маблағларни қимматли қоғозларга йўналтиради. Модданинг иккинчи қисмида бундай фаолият такавалчилик билан боғлиқлиги, фаолият натижасида зарар ҳам, фойда ҳам бўлиши мумкинлиги билдирилмоқда ҳамда таваккалчилик акциядорлар зиммасидалиги белгиланмоқда. Аммо мазкур моддада асосий фойда жорий

наҳрларнинг ўзгариши эканлиги кўрсатилган, ваҳоланки сотиб олинган акциялардан олинadиган дивидендлар ҳақида бирор норма мавжуд эмас. Шу боис мазкур модда инвестиция фондларининг моҳиятини тўла қонли очиб бера олмаган. Шунингдек, мазкур модданинг учинчи қисмида, банклар ва суғурта компаниялари инвестиция фондлари бўла олмаслиги белгиланган.

1996 йилги қонунда инвестиция компанияси ҳақида алоҳида модда мавжуд бўлган. Кейинчалик янги қабул қилинган янги таҳрирдаги қонунларда ушбу атама чиқариб ташланди. Қонуннинг 10-моддасида унинг таърифи берилса-да, аммо таъриф ҳам тушунарсиз ҳамда мазмуний қарама-қаршиликларга эга эди. Шу боис 2008 йилги ва 2015 йилги қонунларда инвестиция компанияси атамаси ишлатилмади. Аммо 2018 йилга келиб, инвестиция компанияси норматив ҳуқуқий ҳужжатларда яна ишлатила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ–5583-сон Фармонида “инвестиция компанияси” атамасидан фойдаланилган [9]. Унинг вазифаси малакали инвесторларнинг жалб этилган маблағларини шакллантириш ва жамлаш эканлиги, унинг фаолияти лицензияланмаслиги белгиланди. Мантиқан ўйлаб қараганда, айнан шу инвестиция компаниясининг вазифаси, унинг ҳаракатланиш доираси инвестиция фондини билан тўлиқ бир хил бўлиб, инвестиция фондларининг фаолияти лицензияланади, аммо у фаолиятини махсус рухсатномасиз олиб бориши мумкин. Дунё амалиётида қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритувчи ҳар қандай компания инвестиция компанияси деб номланади, жумладан, инвестиция фондлари инвестиция компанияси деб аталади [10]. Уларнинг фаолияти эса назорат қилинади ва лицензияланади. Чунки дунё тарихида инвестиция компанияларининг турли найранглар билан ўралашиб қолишганлигига жуда кўплаб мисоллар бор [11]. Шу боис инвестиция компанияларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва унинг фаолиятини тартибга солиш масаласини жиддий ўйлаб кўриш лозим бўлади.

1996 йилги қонунда ҳатто жисмоний шахсларга ҳам қимматли қоғозлар чиқаришга рухсат берилган. Аммо ушбу норма кейинги қонунлардан чиқариб ташланди.

1996 йилги қонун ўрнига 2008 йил 22 июлдаги “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун олдинги қонунга нисбатан анча пухта ва илғор эди. Эски қонун 31 моддадан иборат бўлган бўлса, 2008 йилги қонун 64 моддадан ташкил топди. Мазкур қонунда ҳуқуқий муносабатлар доираси кенгайтирилди, янги тушунчалар қонунга киритилди. Шунингдек, муҳим ҳуқуқий тушунчаларнинг таърифи берилиши, мазкур қонуннинг асосий янгилиги эди. Мазкур қонун ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2015 йил 3 июндаги ЎРҚ–387-сонли Қонунининг қабул қилиниши билан ўз кучини йўқотди.

1996 йилги қонунда инвестиция фондлари инвестиция институти сифатида кўрсатилган бўлса, 2008 йилдаги қонунда эса у қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси деб белгиланди. 2008 йилги қонунда ҳам инвестиция фондларинининг фаолияти лицензияланиши белгиланди. 1996 йилги қонуннинг 18-моддасида профессионал фаолиятнинг бошқа турлари билан инвестиция фонди фаолиятини бирга олиб бормаслигига оид қоида, 2008 йилги қонуннинг 20 моддасида ҳам сақлаб қолинди.

2008 йилги қонунда қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларига лицензия беришда камида икки нафар малака гувоҳномаси бўлган ходимларга эга бўлиш талаби белгиланди. Аммо инвестиция фондлари фаолиятини лицензиялашда бундай талаб белгиланмаслиги ўрнатилди.

2008 йилги қонуннинг 23-моддасида инвестиция фондларининг фаолияти 1996 йилги қонуннинг 11-моддасига қараганда анча тушунарли ифодаланди. Мазкур моддага кўра инвесторларнинг пул маблағларини жалб қилиш ва уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозларга, бошқа инвестиция активларига, шунингдек банклардаги ҳисобварақларга ва омонатларга қўйиш мақсадида акциялар чиқарадиган юридик шахс акциядорлик жамияти инвестиция фондидир.

2008 йилги қонуннинг 23-моддасига икки марта, 2013 ва 2014 йилларда ўзгартириш киритилган. 2013 йилдаги ўзгартириш акциядорлик жамиятлари билан боғлиқ бўлиб, қонунчиликдан акциядорлик жамиятларининг очиқ ва ёпиқ турлари чиқариб юборилди ва фақат акциядорлик жамияти тушунчаси сақлаб қолинди. 2014 йилги ўзгартиришда эса инвестиция фондини қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш учун қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишиш лозимлиги тўғрисидаги талаб бекор қилинди.

Шунингдек, мазкур модда олдинги қонунда бўлмаган инвестиция фондларига оид иккита янги нормани ўрнатди. Биринчиси, инвестиция фонди юридик шахснинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ўзгартирилишга ҳақли эмас, яъни инвестиция фондлари фақатгина акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади. Уни масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, тўлиқ ёки комматдит ширкат шаклида ташкил этиб бўлмайди. Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда бир неча хил ташкилий-ҳуқуқий шаклларда инвестиция фондларини ташкил этиш мумкин [12]. Шунингдек, мазкур мамлакатларда юридик шахс ташкил этмасдан ҳам инвестиция фондларини тузиш мумкин [13]. Бундай инвестиция фондлари пай фонди деб аталади. Иккинчиси, инвестиция фондини қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш мумкин, инвестиция фондлари фақатгина акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этилади. Шунингдек, 2008 йилги қонунда қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни амалга ошириш учун инвестиция фондига берилган лицензиянинг амал қилишини тугатиш ёки уни бекор қилиш инвестиция фондининг белгиланган тартибда тугатилишига олиб келиши мумкинлигига оид махсус талаб ўрнатилди.

2015 йил 3 июнда ҳозирги кунда амалда бўлган “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Қонуннинг 29-моддасида, инвестиция фондига ҳуқуқий таъриф берилган. Унга кўра, инвесторларнинг пул маблағларини ва қўйилмаларини инвестиция активларига жалб қилиш мақсадида акциялар чиқарадиган юридик шахс акциядорлик жамияти инвестиция фондидир. 2008 йилги қонунда инвестиция фондлари жамланган маблағларни қимматли қоғозларга, бошқа инвестиция активларига, шунингдек банклардаги ҳисоб варақларга ва омонатларга қўйиши мумкинлиги белгиланган бўлса, 2015 йилги қонун инвестициялаш объектларининг барчасини ихчамлаштириб, инвестиция активлари деб белгилади.

2015 йилги қонун ҳам инвестиция фондлари фаолиятига оид нормаларни янада такомиллаштирди, аввалги қонунларда учрамаган нормаларни, жумладан, инвестиция фондларининг фаолиятига оид чекловларни жорий қилди. 2015 йилги қонун инвестиция фондларига 8 та чекловни ўрнатди, ушбу нормалар махсус қонунда ҳам ривожлантирилиб,

11 тага етказилди. Ушбу чекловлардан асосий мақсад инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Орадан икки ой ўтиб, яъни 2015 йил 25 августда жамоавий инвестициялашни амалга оширувчи субъект сифатида инвестиция фондлари тўғрисида алоҳида махсус “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун 29 моддадан иборат. Қонунда мамлакатимиз қонунчилигида янги ҳодиса бўлган пай фондлари тушунчаси киритилди. Мазкур қонун инвестиция фондларига оид ҳуқуқий новеллаларни ривожлантирди. Қонунга инвестиция декларацияси, инвестиция фонди фаолиятидаги чекловлар, инвестиция фондининг бошқарув органлари, инвестиция фондини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари, инвестиция фонди мол-мулкнинг ҳисоби ва уни сақлашга оид янги нормалар киритилди. Қонунда инвестиция фондлари икки гуруҳга ажратилди. Биринчиси, юридик шахс сифатида ташкил этиладиган инвестиция фонди ва иккинчиси эса инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси томонидан юридик шахс ташкил этмасдан мулкий мажмуа тарзида тузиладиган пай фонди ҳисобланади.

Қонунга кўра юридик шахс сифатидаги тақшил этиладиган инвестиция фонди ҳам, ўз навбатида, икки турда бўлиши мумкин:

- ўзи чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлган инвестиция фонди;
- ўзи чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлмаган инвестиция фонди.

Қонуннинг 3-моддасига кўра инвесторларнинг пул маблағларини жалб этиш ва уларни инвестиция активларига қўйиш мақсадида акциялар чиқаришни амалга оширувчи юридик шахс – акциядорлик жамияти инвестиция фонди. Амалда икки қонуннинг инвестиция фондларига берган ҳуқуқий таърифи айнан бир хил эмас ва нормалар мазмунида фарқли жиҳатлар бор. 2015 йилдаги “Қииматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасида келтирилган “инвесторларнинг пул маблағларини ва қўйилмаларини” тушунчаси махсус қонунда “инвесторларнинг пул маблағлари” сифатида аниқлаштирилган. Икки қонун ҳужжатидаги айнан бир хил ҳуқуқий институт тўғрисидаги нормалар бир хил бўлиши лозим, назаримизда. Бундан ташқари, бизнинг назримизда, инвестиция фондларининг инвесторлардан фақатгина пул маблағларини жалб этиши мумкинлиги уларнинг имконият ва фаолият доирасини чегаралайди. Бошқа мамлакатларда, хусусан, Қозоғистонда кўчмас мулк инвестиция фондлари самарали фаолият юритмоқда. Мазкур масаланинг ечими сифатида махсус қонунга кўчмас мулк инвестиция фондлари ҳақида алоҳида моддалар киритиш лозим.

Махсус қонуннинг 11-моддасида инвестиция фондини ташкил этишда унинг акциялар қийматини тўлаш пул маблағлари, қимматли қоғоз, улуш, шунингдек кўчмас мулк ва бошқа мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар билан амалга оширилади. Бунда унинг устав капиталининг камида 75 фоизи пул шаклида тўланиши керак. Назаримизда, махсус қонуннинг 3- ва 11-моддалари мазмунида ўзаро қарама-қаршилик мавжуд. 3-модда пул маблағларини жалб этишни назарда тутса, 11-модда акциялар қиймати кўчмас мулк ва бошқа мол-мулклар билан ҳам тўланиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Инвестиция фондлари турларининг кўпайиши билан уларни ташкил этишда устав фондини ташкил қилувчи мол-мулк таркибига ҳам ўзгартиришлар киритиш зарурати пайдо бўлади.

“Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинаётган жамоавий инвестициялашни ривожлантириш, аҳолини инвестициялаш жараёнларига кенг жалб этиш

мақсад қилинган эди. Мазкур қонуннинг ўз вазифасини қай даражада бажараётганлигини таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Назаримизда, бугунги кунда мазкур қонун ўз вазифасини тўлиқ адо қила олмаяпти. Фикримизни икки ҳолат билан изоҳлаш мумкин. Биринчи ҳолат шундан иборатки, мамлакатимизда инвестиция фондларини ташкил этишга табиий зарурат пайдо бўлган бўлсада, 2015 йилдан буён бирорта инвестиция фонди давлат рўйхатидан ўтмади. Мазкур заруратни “Аҳмадбой воқеаси” билан асослаб бериш мумкин. Иккинчи ҳолат эса мазкур қонунга шу пайтгача бирор марта ўзгартириш ёки қўшимча киритилмади. Иккинчи ваз ж қонуннинг ишламаётганлиги, унга ҳеч ким мурожаат қилмаётганлиги ҳамда унинг нормалари бошқа ҳуқуқий муносабатлар билан тўқнашмаётганлиги кўрсатади.

Махсус қонунимиз Қозоғистон ва Россия Федерациясининг инвестиция фондлари тўғрисидаги қонунларидан анчагина янги ва кейинроқ қабул қилинган бўлсада, уларнинг нормалари таққосланганда, бизнинг қонунимиз анчагина хом ва такомиллаштирилишга муҳтож эканлигини кўрсатади.

Инвестиция фондлари барча тоифадаги инвестиция фондларининг умумий номи бўлганлиги учун Қозоғистон ва Россия Федерацияси қонунчилигида юридик шахс сифатида ташкил этиладиган инвестиция фондлари акциядорлик инвестиция фондлари, юридик шахс ташкил этмасдан тузиладиган инвестиция фондлари пай фондлари деб аталади. Бизнинг қонунда ҳам юридик шахс сифатида ташкил этиладиган инвестиция фондларини акциядорлик инвестиция фондларини деб номлаш зарур. Кейинчалик инвестиция фондлари турларининг кўпайиши турли тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, 1996 йилдан то 2015 йилгача инвестиция фондларининг ҳуқуқий таърифлари босқичма-босқич такомиллашиб борди. Шу билан бирга, бугунги кунда амалдаги таъриф ҳам ҳуқуқий таҳлиллар ва тадқиқотларга кучли эҳтиёж сезмоқда.

References:

1. ICI. Investment Company Fact Book, 2018.
2. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqi - T., O'zbekiston, 2016. - B. 15.
3. Sultonov M.A. O'zbekistonda investitsiya fondlarini rivojlantirish istiqbollari. Iqtisod fanlari bo'yicha falfasa doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya.
 - a. T., 2019. - B. 62.
4. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015 y., - № 34. 450-modda
5. Yuldashev J.I. Aktsiyadorlik jamiyatlari-fuqarolik huquqining sub'yekti sifatida. Yurid. fan. nomz... dis. - T., 2008. - B. 60.
6. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1996 y., - № 5-6. 61-modda; O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2014., - № 19, 210-modda.
7. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1996 y., - № 5-6. 56-modda.
8. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008 y., - № 29-30. 278-modda.
9. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 26.11.2018, 06/18/5583/2221-son
10. [ru.wikipedia.org/wiki/ Investitsionnaya_kompaniya](http://ru.wikipedia.org/wiki/Investitsionnaya_kompaniya).
11. *Ekonomika investitsionnix fondov: Monografiya* / A.E.Abramov, K.S.Akshentseva, M.I.Chernova, D.A.Loginova, D.V.Novikov, A.D.Radigin, Yu.V.Sivay; pod obsh.red A.D.Radigin.-M.:Izdatelskiy dom «Delo» RANXiGS, 2015. - S. 15.
12. Kremer C., Lebbe I. Collective investment schemes in Luxembourg. 2nd edition. Oxford university press.2014.52 p.
13. Makarchuk Z.V. Pravovoye regulirovaniye deyatelnosti investitsionnix fondov v Rossii i SShA. Avtoref. dis... kand.yurid.nauk. - Moskva; 2005 - S. 22.